



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 10-fevral. Seshanba • 17 (31.920)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ҚУРУЛТОЙИ



### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДАГИ ИШТИРОКИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари **Ҳотамжон КЕТМОНОВ**нинг Ўзбекистон ХДП IX қурултойидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз сафдошлар!

Курултой қатнашчилари!

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихий демократик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жамият ҳаётида, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда оламшумул ўзгаришлар даври бўлди. Мустақил Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, очик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш борасидаги миқёси жиҳатидан тенги бўлмаган ишлар ҳам айнан шу йилларда амалга оширилди.

Қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни янада мустаҳкамланди, жамият ҳаётига таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

Шунга мувофиқ равишда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нукта-назари, позициялари мустаҳкамланмоқда, уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этмоқда. Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринларни кўлга киритиш орқали ўз гоёларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш борасидаги миқёси жиҳатидан тенги бўлмаган ишлар ҳам айнан шу йилларда амалга оширилди.

Қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни янада мустаҳкамланди, жамият ҳаётига таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

▶ Давоми 2-бетда.

### 2015 йил 9 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IX қурултойи бўлиб ўтди

■ Унда маҳаллий партия ташкилотларидан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда Сенат аъзолари, партия фаоллари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Курултойда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол иштирокини таъминлаш тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Зайнаб Бердиева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Акмал Умаралиев, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров, Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ҳаётхон Ортиқбоева, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Муҳаммадали Убайдуллаев ва бошқалар мустақиллик йилларида юртимизда кучли ижтимоий сиёсат юритилаётганини, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалиб бораётганини таъкидлашди. Жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш бўйича мамлакатимизда юксак натижаларга эришилаётгани, аҳолининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллиги ошиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётган,

фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ислохотлар тамоман янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли шароитда ўтаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу сайловда муносиб иштирок этишни таъкидлади.

Шу ўринда айтиш кераки, ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сафида 394 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига яқинда бўлиб ўтган сайловда 27 нафар депутатлик ўрнини кўлга киритди. Бу халқ демократиясининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби устувор йўналишларини амалга оширишда, электрат манфаатларини ҳимоя қилишда, сайловчилар, халқимиз ишончини оқлашда партиянинг етарли куч ва имкониятга эга эканини билдиради.

Курултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳотамжон Кетмонов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

47

КУН ҚОЛДИ

### СУРХОНДАРЁ

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг юқори савида, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, яқинда вилоятда округ сайлов комиссияси ва унинг таркиби тасдиқланди.

9-сайлов округ комиссияси учун ажратилган махсус бино ва хоналар зарур жиҳоз ва техникалар билан таъминланди. Сайлов жараёнларини кенг ёритиш учун матбуот маркази ташкил этилган. Бундан ташқари, вилоятдаги 708 та сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароит яратилган.

— Участка сайлов комиссияси аъзоларига эл ҳурматини қозонган, сайлов қонунчилигидан яхши хабардор фуқаролар танлаб олинмоқда, — дейди округ сайлов комиссия раиси **Абдукарим Аҳмедов**. — Ҳар бир сайлов участкасига округ сайлов комиссияси аъзолари бириктирилди. Сайловларда иштирок этаётган ёшларни миллий қонунчилигимиз билан яқиндан таништириб бораёلمиз.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилоят округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қонунчилик талабларига биноан вилоятдаги жами 18 та шаҳар ва туманларда участка сайлов комиссиялари аъзоларига номзодлар муҳокама қилиниб, округ сайлов комиссиясига тавсия қилинди.

Тошкент вилояти бўйича 1 миллион 906 мингга яқин сайловчи 872 та сайлов участкасига овоз беради. Округ сайлов комиссияси мажлисида шаҳар ва туманлар бўйича тавсия этилган номзодлар батафеил кўриб чиқилиб, участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Округ сайлов комиссияси мажлисидан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

### ФАРҒОНА

Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчасида жойлашган 11-Фарғона округ сайлов комиссиясида шу кунларда иш қизғин. Комиссия учун ажратилган махсус хоналар ва конференция зали барча керакли жиҳозлар, сиёсий адабиётлар ва кўргазмали воситалар билан таъминланди. Бу ердаги мавжуд компьютерлар интернет тармоғига уланган. Бундан ташқари, сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида тиббиёт ва она-бола хоналари ташкил этилган.

— Округ сайлов комиссиясининг асосий эътибори сайлов участкалари чегараларини аниқлаш, участка жойлашган бинолар манзилларини белгилашга қаратилган, — дейди округ сайлов комиссияси котиби **Тўлқини Тожиёва**. — Шу кунгача 2 миллион 342 минг нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, улар 947 та сайлов участкасига овоз беришади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида 350 минг нафардан ортиқ фарғоналик ёшлар биринчи бор иштирок этишади.

— Мен биринчи марта Президент сайловида овоз бераман, — дейди **Фарғона шаҳар 2-тиббиёт коллежи ўқувчиси Бобур Мусаев**. — Олдинлари ота-онам сайловларда иштирок этаётганини кўриб, уларга жуда ҳавасим келарди. Энди ўзим ҳам шундай муҳим сиёсий жараён қатнашчиси эканлигимдан бахтиёрман. Бу мен учун ҳам фахр, ҳам катта масъулиятдир.

Аҳмед ЮСУПОВ тайёрлади.

Сайловга тайёргарлик ишлари тўғрисида тахририятимизга хабар қилсангиз, миннатдор бўламиз. тел.: (0-371) 233-10-13, 233-65-45 info@uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Халқимизнинг ислохотларга муносабати ва сиёсий партиялар фаолияти ҳақидаги хулосаси сайлов жараёнларида яққол намоён бўлади



Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурида кучли ижтимоий сиёсат тамойили қандай ўрин эгаллади?

# ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДАГИ ИШТИРОКИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОҢОВНИНГ Ўзбекистон ХДП IX қурултойидаги маърузаси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэтироф этилган меъёрларга мувофиқ тарзда сайлов тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлини қўллаб-қувватлаётганини намойён этди.

Қадри қурултой иштирокчилари! Барчангизга аёнки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда халқимиз аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим сиёсий имтиҳон — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловога жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

2014 йилнинг 26 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни 2015 йил 29 март куни, деб белгиланди.

Мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам бугунги қурултойимизда мазкур сиёсий жараёнда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш, партия номзодини кўрсатиш масалаларида сизлар билан фикрлашиб, долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли босқичда бўлиб ўтмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақатгина сиёсий партиялар эгадирлар. Шундай экан, партияимиз ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишни қўллаб, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига таянган ҳолда, Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, сайлов жараёнида фаол иштирок этишни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун барча партия тузилмаларимиз мазкур сайлов жараёнида юксак масъулиятни ҳис этиб ҳаракат қилиши, сайловчиларнинг демократик онгу тафаккурини ошириш, фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш масалаларида астойдил ҳаракат қилиши зарур.

Сайлов кампаниясининг мазкур босқичида барча партия ташкилотларидан ишчанлик ва ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришни юксак даражага кўтариш талаб этилади.

Бу борадаги биринчи қадам **сайлов кампанияси даврида партия ташкилотлари ва сайланма органлари ишини мувофиқлаштириш бўйича штабни** ташкил этиш бўлади. Худди шундай штаблар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича ташкил этилган сайлов округлари ҳудудлари марказларида ҳам тузилади.

Ушбу штаблар зиммасига қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий вазифалар юкланади: — номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида 15 нафарга қадар ишончли вакилларни шакллантириш; — номзодга ва унинг номига тушган савол ва бошқа муносабатларни тезкорлик билан умумлаштириб, унга етказиш ҳамда фуқароларга ўз вақтида малакали жавоб беришда қўмақлашиш.

Бу вазифалар партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва тегишли сайловолди тадбирларини юқори савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

**Партиядан кузатувчиларни тайинлаш ва уларнинг ишини сифатли ташкил этиш — муҳим масала.** Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча

тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ҳолатларида ва овозларни санаб чиқишда партиядан кузатувчиларни тайинлаш тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камидан ўн беш кун олдин маълум қилиш лозим.

Сайлов кампанияси иштирокчиларининг ушбу тоифасига, яъни кузатувчиларга қонун билан участка сайлов комиссиялари иши, сайлов участкаларида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича катта ҳуқуқлар берилган. Айти пайтда, бу ҳуқуқларнинг муайян чегаралари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кузатувчиларга юкланаётган вазифаларни ҳисобга олсак, уларни танлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу фаолларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, керак бўлса, уларнинг билими ва кўникмаларини ҳар томонлама бойитиш лозим бўлади.

Сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотларимиз аҳоли билан иш олиб борар экан, **электоратимиз вакилларида фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, сайлов ҳуқуқини тушуниб, ундан эркин ва масъулият билан фойдаланишга интилишни кучайтириш асосий эътиборда бўлиши керак.**

Бу жараёнда электоратимизнинг ёш вакиллари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шунингдек, хотин-қизлар, хусусан, оилада фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг электорал фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилиги, фаолларнинг диққат марказида туриши зарур.

Маълумки, сайлов билан боғлиқ қатор муҳим масалалар қонунда кўзда тутилган сайловолди ташвиқоти доирасида халқ этилади. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка асосан сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун турли механизмлар, воситалар жорий қилинган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари, номзоднинг оммавий ахборот воситаларида чиқиши билан бошқа қонуний имкониятлардан самарали фойдаланиш керак бўлади.

Партияимизнинг марказий органлари ва маҳаллий ташкилотларимиз сайловолди ташвиқоти жараёнида, биринчи навбатда, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини электорат орасида янада изчил ва чуқур тарғиб қилишга эътибор бермоғи лозим. Тегишли тарғибот материалларида партия ғоялари яққол ва таъсирчан акс этиши зарур.

Партия сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилотлари тизимида ўтказиладиган семинарлар ҳам шунга мувофиқ бўлиши даркор.

Сайловолди тадбирлар юксак савияда ўтиши ҳозирги даврнинг бош вазифаси — партия ва унинг электорати сайлов кампаниясида фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Буни ҳеч биримиз асло унутмаслигимиз керак.

Хурматли қурултой иштирокчилари! Партияимиз, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатини изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратади.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади.

Биз учун асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, авваломбор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат юритиш; мустақил ҳаётга кириб келалган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини

битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш; шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мазкур масалалар жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу борада қуйидаги йўналишларга устуворлик берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, **аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим.**

Бунда бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини таъминлаш корхоналарида аҳоли бандлигини таъминлаш савий-ҳаракатларини янада фаоллаштириш лозим.

Шунингдек, истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ўрта махсус касб-хунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда худудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқ комплекс ёндашуви таъминлаш зарур.

Бу борада тегишли мутахассисларга эҳтиёжи бўлган, уларнинг олий ўқув юрларида таълим контрактларини тўлаётган корхона ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур жараёнда тадбиркорлик субъектларининг қўшимча барқарор иш ўринларини яратишга бўлган манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак.

Иккинчидан, **кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур.**

Бунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини боқимандалик кайфиятини бартафоз этишга қаратиш лозим. Бунда ташаббускорликни рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам асосан кам таъминланган оилалар, қариалар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммаси микдориди, ўз ичинини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шартини билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш, уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши тегишли инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш лозим.

Тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон шакллари ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш, табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар — электр ва иссиқлик энергияси, газ таъминоти, ичимлик суви билан таъминлашга доир нархлар ва тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, **иқтисодий сиёсатдаги асосий сиёсий устуворлигимиз давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш, шу орқали уни аҳолининг, авваломбор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлар турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдир.**

Шу мақсадда иқтисодий соҳада қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

— хўжалик юртувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини

пасайтириш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш орқали аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг қатъий мақсадли равишда сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлаштиришга имкон берадиган очиқ ва ошқора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш, ниҳоят, шу орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш лозим.

Тўртинчидан, **юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ҳам диққатимиз марказидадир.**

Мазкур соҳада бирламчи тиббий ёрдамдан, айниқса, чекка қишлоқ аҳоли пунктларида қўлай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш лозим.

Шунингдек, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш ҳамда фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш зарур.

Бешинчидан, **демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифадир.**

Ушбу мақсадда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— электорат манфаатларига алоқадор долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;

— ижтимоий шериклик институти янада изчил ривожланишини таъминлаш;

— фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмига таъсир кўрсатиш, оммабоплигини кенгайтириш, мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари тақлиф этилмоқда.

Олтинчидан, **ташқи сиёсат масалаларида қуйидагилар тақлиф қилинмоқда:** — Ўзбекистоннинг яқин қўшниларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсатни юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш;

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси — минтақавий хавфсизлик, барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлаш.

Ушбу мақсадларда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

Хурматли қурултой делегатлари ва иштирокчилари! Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кампаниясида иштирок этиши партия фаолиятида муҳим ва масъулиятли босқичдир.

Қайд этилган устуворликларга эришиш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ АҲОЛИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ИЖТИМОИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН КУРАШАДИ.**

**КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА БОШҚА Ўқув юрларини битириб, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароит яратиш, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар ҳамда ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш тизимини янада такомиллаштиришни ўзининг устувор вазифаси, деб ҳисоблайди.**

**БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ, АЙНИҚСА, ИЖТИМОИЙ СОҲАГА Йўналтириладиган маблағларнинг қатъий мақсадли равишда сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлаштиришга имкон берадиган очиқ ва ошқора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш учун ҳаракат қилади.**

**ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖАТЛАРИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИНИ ОШҚОРА ВА КОНСТРУКТИВ МУҲОКАМА ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИ АМАЛИЁТИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА АЛОҚАДОР ДОЛЗАРБ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ТАЪСИР КўРСАТИШ МАСАЛАЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ Бўйича ЧОРАЛАР КўРИШ ТАРАФДОРИДИР.**

«Давоми. Бошланғич I-бетда.



■ Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилда мамлакатимизда жами 261,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш ҳамда 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

■ Ушбу дастурга мувофиқ, хусусан, касб-хунар коллежларининг 487,7 мингга яқин битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

■ Жорий йил юртимиз бўйича саноатда 115 мингдан ортиқ, хизмат кўрсатишда 67 мингга яқин, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш орқали 30 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган.



ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

«Хабеас корпус» институти — шахс дахлсизлигининг кафолати

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришилган улкан ютуқлар қатори суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилган изчил ислохотларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Мазкур йиғилишда таъкидланганидек, «Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлариغا риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмининг изчил ривожлантирилган ҳолида, «Хабеас корпус» институтини қўллаш доираси кенгайтирилди».

Мухбиримиз Тошкент давлат юридик университетининг жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси, сурийд РАҲМОНОВА билан шу ҳақида суҳбатлашди. — Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чўқурлаштиришнинг туб мақсади фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатлари ҳақоний амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдир, — дейди суҳбатдошимиз. — Инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг юқори даражаси — мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини

Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари жиноят ишлари юритувининг судга қадар босқичларида суд назоратини кенгайтиришни, хусусан, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурият чораларини қўллашда татбиқ этилишини тақозо этди.

2012 йилнинг 18 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг айрим нормаларига, шу жумладан, 29 ва 31-бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурият чоралари фақат судьянинг санкция асосида қўллаш тартиби қонуни мустаҳкамланди.

Мазкур жиноят процессуал чоралари фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда чеклаш сабабли уларнинг қўлланилишининг қонунийлиги ва асослигини таъминловчи ишончли процессуал ҳуқуқий кафолатлар талаб этилади. Процессуал мажбурият чоралари қўлланилишида фуқаролар ҳуқуқларининг чекланиши нечоғли ҳақиқий зарурат билан талаб этилиши муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатлардан биридир. Зеро, жиноят ишлари юритувининг вазифалари шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ниҳоятда кам даражада чеклаш орқали амалга оширилиши зарур.

Лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурият чоралар қандай



Ҳолатларда ва қай шароитда қўлланилади?

Жиноят-процессуал қонунийликка биноан, башарти айбланувчи, судланувчи ўзи иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўқинлик қилади ёки жиний фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир.

Шу билан биргаликда, эътиборда тутиш лозимки, лавозимдан четлаштирилган шахс жиноят содир этишда гуноҳ қилиниб, айбланмоқда, аммо ҳали айбдор шахс эмас. Зеро, айбисизлик презумпциясига биноан, шахс унинг айби суднинг қонуний қўлга кирган ҳукми билан исботланмагунча қай айбисиз ҳисобланади.

Афсуски, дастлабки тергов ҳолатларида йўл қўйиш ва совуқ қонлик ҳолатларидан кафолатланмаган. Бунинг оқибатида эса

Ана шуларни инобатга олиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суриштирув ва дастлабки тергов даврида чекловчи барча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнаи суд томонидан амалга оширилиши зарур. Зеро, жиноят ишлари юритуви субъектлари ичида фақат судгина айбловдан манфаатдор эмас ва ҳеч қандай тергов механизмларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунийлигига солган назари ўзининг табиатига кўра, холис ва адолатлидир.

Суднинг холислиги яна шу билан ҳам белгиланадики, судга қадар иш юритувида суд функцияси доимий характерга эга эмас, унинг таъсири судга суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг муайян процессуал ҳаракатлари устидан шикоят қилишда ёхуд у ёки бу процессуал ҳаракатни ўтказишга суд томонидан рўхсат берилишида намоён бўлади.

Суд назорати эса судга қадар босқичларда тортишув принципининг реал таъминлашига, процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда тергов ҳолатини ўз вақтида аниқлаб бартараф этилишига хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур институтнинг татбиқ этилиши шахс эркинлигини ҳимоя қилиш бораида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини амалда таъминлашни кафолатлайди.

Ўзбекистон овози мухбири Ровшон ШОДИЕВ суҳбатлашди.



Узоқ умр кўриш учун

кўп ҳаракат қилиш, спорт билан шугулланиш керак

Бугунги кунда Хитойда юз ёшдан ошган кексалар сони мингмиглаб топилади.

Умуман, ушбу мамлакат ўз кексалар сони бўйича Япониядан кейин иккинчи ўринда туради. Айни пайтда ўртача умр кўриш 72 ёшдир. Бу Мао Цзэдун бошқаруви пайтидаги ўртача умрдан 20 йил кўдир.

Яқинда Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатда «Узоқ умр кўриш» махсус саломатлик давлат дастури амалиётга жорий этилганини эълон қилди. Мазкур дастурда 2050 йилгача ўртача умрни юз ёшга етказиш мақсад қилинган.

«South China Morning Post» нашри алоҳида таъкидлашига қараганда, мамлакатда одамлар умрини узайтиришга қаратилган ислохотлар аввалдан амалга ошириб келинмоқда. 1992 йилдан буйён «Олтин йилгирма йиллик» дастури ижроси таъминланиб, аҳоли орасида тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда Хитойнинг кўплаб шаҳарларида айнан катта ёшдагилар ушу гимнастикаси билан шугулланишлари учун спорт майдонлари мавжуд. Кечқурунлари бу майдонлар катта ёшдагилар билан гавжум бўлади. Улар нафас олиш ва нафас чиқариш машқларини ўзида мужассам этган цигун гимнастикаси билан шугулланишади ва мусикага мос равишда рақсга тушишади.

Қувончлики, бу тадбирлар ўз самарасини бера бошлади: атеросклероз (юрак ва кон томирлари склерози) билан оғриш икки баравар камийган.

«Узоқ умр кўриш» махсус саломатлик давлат дастури амалиётга жорий этилган аввал кўплаб шифокорлар бригадаси Финляндияда (мамлакатда инфарктга чалиниш даражаси жуда паст) малака оширдилар ва улар тажрибасини ўргандилар.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили дастури тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги қарори талаблари асосида, 2015-2016 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқна тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув куроллари харид қилиш учун

савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қорхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Талабдор — қорхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания ҳулосаси (хисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт.

Манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин. Ишчи орган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улғабек тумани, Сайрам кўчаси, 3-бەк кўча, 92-уй. Тел: (+99871) 267-01-83; 267-74-50;

267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16. Мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон саитига ҳам жойлаштирилган.

Тендер савдоларида харид қилинадиган махсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари

Table with 4 columns: T/P, Харид қилинадиган махсулот номи, Ўлчов бirligi, Миқдори, Харид қилинадиган махсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда). Rows include items like '1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли яқна тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув куроллари', 'Дафтар (12 варақ)', 'Ақварель бўёқ (12 рангли)', etc.

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабдорлар Ишчи органнинг қўйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдоридagi қайта қопланмайдиган маблағни пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин. Ишчи орган банк реквизитлари: Ҳисоб рақами 20210000700101561002 АТИБ «Ипотека» банки, Мехнат бўлими, МҒО: 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.

Тендер савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари ҳамда яқна тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув куроллари ишлаб чиқариш ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Талабдор — Ўзбекистон Республикаси қорхона ва ташкилотлари учун: маҳаллий статистика органлари томонидан талабдорнинг ўқувчилар суммаси, дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, пеналь бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома; ҳодимлар сони ва талабдорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома; маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабдор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома; маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабдорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

Тендер комиссиясининг топширигига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабдорнинг тендер тақлифини баҳарлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, биланлари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабдорларнинг бошқа қўрсаткичларини ўрганиб чиқиши ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида баҳарлашлари талаб этилади.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон чоп қилинган шартномада бошқарилган шартнома билан яқнабу қиларилиши шарт.

Тендер савдоларида кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади. Тендерда махсулотлар тегишли ҳажмларини етказиб бериш таърибига эга бўлган хоржий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи қорхоналар (товар етказиб бериувчилари) қатнашиши мумкин.

Тендер савдоларида кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади. Тендерда махсулотлар тегишли ҳажмларини етказиб бериш таърибига эга бўлган хоржий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи қорхоналар (товар етказиб бериувчилари) қатнашиши мумкин.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида баҳарлашлари талаб этилади.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон чоп қилинган шартномада бошқарилган шартнома билан яқнабу қиларилиши шарт.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон чоп қилинган шартномада бошқарилган шартнома билан яқнабу қиларилиши шарт.

Тендер савдоларида кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади. Тендерда махсулотлар тегишли ҳажмларини етказиб бериш таърибига эга бўлган хоржий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи қорхоналар (товар етказиб бериувчилари) қатнашиши мумкин.

Тендер савдоларида кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади. Тендерда махсулотлар тегишли ҳажмларини етказиб бериш таърибига эга бўлган хоржий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи қорхоналар (товар етказиб бериувчилари) қатнашиши мумкин.

Тендер савдоларида қолиб қолган қорхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида баҳарлашлари талаб этилади.

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 10 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

Table with 3 columns: Currency, Exchange rate, and another column. Rows include: Австралия доллари (1900.02), Англия фунт стерлинги (3734.42), Дания кронаси (372.83), БАА дирхами (666.53), АКШ доллари (2448.16), Миср фунти (320.86), Исландия кронаси (18.55), Канада доллари (1956.96), Хитой юани (391.76), Россия рубли (37.07), Украина гривнаси (105.84), Малайзия ринггити (687.69), Польша злотийси (667.67), СДР (3469.85), Туркия лираси (990.68), Швейцария франки (2647.80), ЕВРО (2774.81), Жанубий Корея вони (22.31), Япония иенаси (205.97).

■ Халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишда Алишер Навоий маънавий меросининг ўрни беқиёс.

## Адолат ва эзгулик куйчиси

Шу боис мамлакатимизда улуг бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб воёга етказишда асарларидан кенг фойдаланиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Анъанага кўра, 9 февраль кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бондида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, маънавий тарғибчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим О.Давлатов, ёш шоир Ш.Салом ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда ва хорижий давлатларда улуг бобокалонимиз ҳайкаллари қад ростлади. Шоир ижоди тўла қамраб олинган йигирма жилдлик тўплам нашр этилди. Навоийнинг ижодий хазинаси битмас-туганмас уммон янглиғ бутунги кунда ҳам юртимиз ва жаҳон олимлари, тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, туркум илмий асарлар, монографиялар, рисоалар нашр этилмоқда.

Шоир ўз асарларида тараннум этган инсонпарварлик, адолат, юрт равнақи, халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-муруват, ота-онага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муҳтожларга муруватли бўлиш, ёшларни ҳар жиҳатдан қамол инсон этиб воёга етказиш каби ҳаётбахш ғоялар Ватанимизнинг бугунги тараққиёт одимларида, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Тадбирда Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Улуг мутафаккир маънавий мероси, ижоди, фаолияти ҳақида жаҳон адабиёти намояндalarининг қимматли фикрларидан парчалар Тошкент давлат шарҳунослик институти талабалари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида ижро этилди.


Ўзбекистон халқ ҳофизини М.Тожибоев ижросида Алишер Навоий газалларига басталанган кўшиқлар янгради.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар куйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Мамлакат устунни



ЎЗА олган сурат.

■ Ҳазрат Алишер Навоий ўз ҳаётини илм-фан ва санъатни ривожлантиришга, мамлакат равнақи, халқни тинч-тотув яшашни ҳамда давлат қудратини мустақкамлашга бағишлади. Султон Ҳусайн Бойқаро ул зотни «мамлакат устунни» деб бежиз айтмаган.

Бу икки улуг зот дўстлиги жаҳон давлатчилиги тарихидаги ноёб ҳодисалардан бири ҳисобланади. Навоийнинг шундай байти бор:

**Хилму адаб гарчи эрур дилпазир,  
Қахру сиёсат ҳам эрур ноғузир.**

Мазкур мисраларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, унда идеал ҳукмдор бағрикенг ва меҳрибонлик билан бирга принципал ва қаттиққўл бўлиши шарт эканлиги ифода этилган.

Навоийдаги бағрикенглик ва ғамхўрлик фазилатлари Султонга давлатни адолатли бошқариш учун зарур бўлган. Султон Навоий сиймосида улуг донишмандни кўрган. Шунинг учун ҳам Султон Навоийни бениҳоя улуғлаган ва қадрлаган. Ҳамisha уни ёнида бўлишига ҳаракат қилган. Уларнинг ҳамкорлиги давлатни мустақкамлаш, адолатли бошқариш, халқнинг тили, маданияти,

илм-фани билан бирга мамлакатнинг мувофақ қудрати, халқаро обрў-эътиборини оширишда катта аҳамият касб этган.

Ҳазрат Навоий гарчи ҳаётининг мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини, осудалигини уйлаб, Султон ёнида туриб, муҳим давлат ишларини бажарган. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў эмас балки одамларга яхшилик қилиш, илм-фан намояндalarини қўллаб-қувватлаш ватан ва юрт шаънини юксалтириш йўлидаги бир имконият восита деб билди.

Афсуски, мустабид тузум даврида ҳазрат Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар қасддан нотўғри талқин қилинди. Мурасасиз баҳслар туфайли шоир бир неча марта саройдан узоклаштирилган ва ҳатто Астрободга сургун қилинган дея уқтириб келинди.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор.

### МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

## Мумтоз адабиёт

маънавиятни юксалтиришга хизмат қилади

Ички ишлар вазирлиги Академиясида Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган маърифий кеча ўтказилди.

Унда Академия раҳбарияти, навоийшунос ва бобуршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, тингловчи-курсантлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Академиямизда бундай тадбирлар ўтказилишида ўзига хос маъно бор, — дей-

ди Академиянинг тахрирлик-ноширлик бўлими катта муҳаррири, подполковник Мохир Раҳмонова. — Зеро, буюк аждодларимизнинг бетакрор мероси тингловчи-курсантларимизни она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, улар қалбда эзгулик туйғуларини уйғотади. Ҳар иккала улуг шоир асарларини қанчалик кўп ўқисак,

ўргансак, дунёни шунчалик чуқур англаймиз.

Тадбир доирасида Алишер Навоий ва Захриддин Бобур қолдирган бой мерос ва унинг аҳамияти ҳақида мунозаралар бўлиб ўтди. Бобокалонларимиз қаламига мансуб газалларга басталанган куй ва кўшиқлар Академия тингловчилари томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Аҳмад ЮСУПОВ

### СПОРТ

## Дзюдо: маҳоратли полвонлар ва умидли ёшлар



Санажир ШОҲИДУЛЛАЕВ олган суратлар.

■ Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида дзюдо бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати ўтказилди. Икки кун давом этган беллашуларда Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган 374 нафар полвон голиблик учун татамига чиқди.

Мусобақанинг дастлабки кунда эркеклар турта (81 кг, 90 кг, 100 кг, ва +100 кг.) вазн тоифасида беллашдилар. Эътиборлиси, мурасасиз кечган беллашуларда таниқли спортчилар

билан бир қаторда кўплаб ёш ва истеъодли полвонлар майдонга тушди.

81 кг, вазн тоифасида аксарият мухлислар жаҳон чемпионати совриндори Наврўз

Жўрақобилон имкониятини юқори баҳолашаётган эди. Аммо у ярим финалда пойтахтлик Шухратжон Арслоновга имкониятни бой бериб қўйди. Ҳал қилувчи беллашуларда самарқандлик Темурхон Тўраев ҳамда Шухратжон Арслонов «дуэли»га гувоҳ бўлишди. Унда Арслонов рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва олтин медаль билан тақдирланди. Шунингдек, мусобақада Яхё Имомов (90 кг), Фахриддин Шарипов (100 кг), Абдулла Тангриев (+100 кг) шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Аёллар ўртасидаги дастлабки кунги учрашулар якунида хоразмлик уч спортчи — Турсунпошша Нурматова (63 кг), Гулноза Матниёзова (70 кг), Кумуш Йўлдошева (78 кг) га тенг келадигани топилмади.

Бахсларни Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин раҳбарлигидаги мутахассислар кузатиб боришди.

Иккинчи кунги бахслар янада шиддатли ва мурасасиз кечди. Эркеклар ўртасида Баҳром Иноятов (60 кг), Ҳамиджон Мўминов (73 кг, иккиси ҳам Тошкентдан), Ғиёсжон Бобоев (73 кг, Бухоро), Бахтиёр Менглиев (мутлак, Сурхондарё) барча рақиб-

ларини енгиб, олтин медаллар билан тақдирланди.

Кувонарлиси, бултур Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган Бутунжаҳон ўсмилрлар ёзги олимпиадасида шахсий беллашуларда бронза, жамоавий учрашуларда олтин медалга сазовор бўлган сурхондарёлик Сўҳроб Турсунов (73 кг)нинг Ўзбекистон чемпионатидаги иштироки мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. У катталар ўртасида кечган беллашуларда илк маротаба катнашишига қарамай, бронза медалини қўлга киритди.

Аёллар ўртасида эса Нодира Гулова (48 кг, Самарқанд), Дилдора Убайдуллаева (52 кг, Сурхондарё), Шоҳида Назарова (57 кг, Тошкент шаҳри), Раҳима Йўлдошева (мутлак, Хоразм) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Эслайтиб ўтамиз, мамлакатимиз терма жамоаси шу ойнинг охири ҳафтасида Варшава (Польша)да бўладиган Европа кубоги бахсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Унда 2016 йили ўтказиладиган Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмалари учун рейтинг оқколари ўйналади.

Эркин ХОЛБОБО,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### РЕКЛАМА



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» процессинг марказини PCI DSS стандартига мувофиқлигини текшириш юзасидан дастлабки ва сертификация аудитини амалга оширувчи QSA компаниясини аниқлаш юзасидан очик танлов эълон қилади.

Қизиқиш билдирган хизмат кўрсатувчи QSA компаниялари танловда катнашиш учун буюртманомаларни 2015 йил 24 февраль соат 17:00 гача куйидаги манзилга тақдим этишини сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,  
Пул муомаласи департаменти.

Тел.: 234-02-61, 235-56-66.

Факс: 235-09-22.

e-mail: HHalikova@central.nbu.com

Буюртманомашаклини олиш ва танлов шартлари билан танишиш учун юқоридаги манзил бўйича Халикова Хуршида Талатовна, Максимов Алексей Юрьевичга мурожаат қилиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

### БОЛАЛАР СПОРТИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги республика шохмот-шашка клубида 8 ва 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати қизгин давом этмоқда.

## ШОҲМОТ БАЙРАМИ

Мусобақада юздан зиёд ёш шохмот усталари ўзаро дона суршияпти. Учрашулар швейцарча тизимда ўтказилмоқда.

Олтинчи турдан сўнг, 8 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида Исламбек Синдоров (Тошкент) — 6, Ақобирхон Сайдалиев (Самарқанд) ва Оқжол Раҳматуллаев (Тошкент вилояти)лар бештадан очко жамғариб, пешқадамлик қилишяпти. Қизлар ўртасида эса Севинч Турдимуродова (Сурхондарё) 5,5 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турган бўлса, навоийлик Шаҳзода Баширдиннова ҳисобида 5 очко бор. Пойтахтлик Лиана Огай (4,5) учинчи ўринда бормоқда.



— Мусобақага икки нафар шогирдим билан келганман, — дейди сурхондарёлик Қурбонмурод Бакиров. — Ҳозирда олтинчи турдан сўнг, пешқадамлик қилаётган Севинч Турдимуродова Қизирик туманидаги 3-мактабнинг 1-синфида ўқийди. У уч йилдан бери шохмот сирларини ўрганиб келади. Севинч биринчи марта шундай нуфузли мусобақада катнашаётганига қарамай, ишонч билан дона суряпти. Унинг дугонаси Муаттар Жўраевдан ҳам умидимиз катта.

10 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида эса олти имкониятдан олти очко жамғарган Жавоҳир Синдоров ёққа пешқадам бўлиб турибди. Бир хил — 4,5 тадан очко жамғарган Тошмурод Тиловов (Навоий) ҳамда Алмас Раҳматуллаев (Тошкент вилояти) кейинги поғоналарни банд этиб турибди.

Қизлар ўртасида пойтахтлик Мафтуна Бобмуродова (6 очко) ва Моҳинур Нигматуллаева (5 очко) етакчилик қилишяпти. Самарқандлик Сабрина Собирова ҳамда жиззахлик Чарос Исоқова эса 4,5 тадан очко жамғарган.

Мусобақалар давом этмоқда.

Санажир ШОҲИДУЛЛАЕВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО 10-11.2 — 2015

Юртимиз буйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+7 / +12 +15 / +20

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+4 / +9 +15 / +20

Қашқадарь, Сурхондарё вилоятлари

+7 / +12 +15 / +20

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Тошкент шаҳри

+7 / +9 +17 / +19

Дунё буйлаб (°C)

Лондон +9 / +8

Париж +7 / +7

Москва -7 / +2

Мадрид +11 / +11

Пекин +12 / +9

Канберра +28 / +31

Рим +15 / +16

Афина +6 / +7

Стокгольм +3 / +3

Кейптаун +24 / +27

Қоҳира +18 / +14

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIY HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharh\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259 20926 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.00 Topshirilgan vaqti — 23.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6